

2-may  
2024-yil 18 (1068)



O'ZLiDeP



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

# XXI asr

GAZETA 2004-YIL 1-YANVARDAN CHOP ETILA BOSHLAGAN

© 21asr.uz © XXI\_asr@mail.ru @XXIasr\_yangiliklari XXIasr gazetasi asr\_xabarlar\_i\_news



Абдусайд  
КҮЧИМОВ

*Қатра симобдай титраб, қалқиб турибди дунё,  
Мезон сингари идраб, салқиб турибди дунё,  
Куйган кўёшдек хира балқиб турибди дунё...  
Чанг-тўзонли замонда, нону тузингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Асрий сахро, чўлларда қутурмоқда тошқинлар,  
Қариндошдан қондошга қирғинлару босқинлар,  
Имога шай турмишлар Ялавочлар – сотқинлар.  
Фосиқ дастурхонидан нону тузингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Мустақиллик, озодлик қорбодан совғамас,  
Не-не жасур алпларга ғанимлар қилмади қасд,  
Эҳ! Бугун ҳам оз эмас тулки мижоз айёр кас.  
Нафси олчок, қаллобдан нону тузингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Буюк аждодларингдан мерос эрур бу замин,  
Емоғинг шартдир бугун шу юртнинг ташвиш, ғамин,  
Қолсин десанг то абад ЎЗБЕК деган хур номинг...  
Шону шаънингни асра, қайноқ нонингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Асрамасанг ўзингни, тузлиғингни, тузингни,  
Қашқирлар илҳақ, зордир ўймоқ учун кўзингни.  
Жаҳон эшитсин десанг, ҳайқирингни, сўзингни,  
Ризку рўзингни асра, чақмоқ сўзингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Ҳар дамингда аждодлар армони бор, аҳди бор,  
Мангуберди, Темурбек, Сарбадорлар жаҳди бор,  
Ҳар икки Уйғонининг жаҳонда ўз тахти бор...  
Учинчи Ренессанс деб босган изингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Туққан ерда туғинг тик, туққан жойинг чамандир,  
Қуш бутага сиғингай, саждагоҳинг Ватандир,  
Ватандан айрилганга ҳар қадами кафандир...  
Кафангадо каслардан элу юртингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Денгизга ҳам осонмас, бардош бермоқ тўфонга,  
Ҳатто, кўёш ҳам гоҳо йўл бергайдир тўзонга,  
Бугун енгил эмасдир Янги Ўзбекистонга...  
Янги Ўзбекистонда дашту бўзингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Дарё эмас бир ирмоқ, бир дарахт ўрмон эмас,  
Куклам эмас бир гиёҳ, битта дон хирмон эмас,  
Бирлиги йўқ улуснинг кўкраги осмон эмас.  
Дайди тўда, уюрдан жанда бўзингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Боғ жамоли боғбондан. Боғбонинг бор дарёдил,  
Дарёдилли боғбонга дарё бўлиб кўшилгил,  
Дарёларга айланиб, тўн кийган нишондорлар.  
Боғли диёринг учун қору музингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Фурсат пойлаб турибди, қароқчи кишандорлар,  
Ўз қавмини кишанлаб, тўн кийган нишондорлар,  
Кўм-кўк далангни бевақт босмасин десанг қорлар...  
Бемаҳал ёққан дўлу қишдан қузингни асра,  
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.*

*Бир вужудга айлансин минг, миллиён жону тан,  
Минг, миллиён вужудлар бир жонга бўлсин пайванд,  
Кўёш битта, Ой битта, Ойу Кўёшдир ВАТАН.  
Кўёшингни, Ойингни қошу кўзингдек асра,  
Ўғил-қизингдек асра, асра, ўзингдек асра!*



## ХАЛҚНИНГ ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида “Янги Ўзбекистон Конституцияси: амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, бундан роппа-роса бир йил олдин, яъни 2023 йил 30 апрель куни мамлакатимизда ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган эди.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари конституциявий ислохотларнинг ташаббускори бўлди. Бош қомусимиз миллий давлатчилик тараққиётининг ҳозирги босқичида жамият ва давлатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини рўйбга чиқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Ўтган даврда миллий қонунчилик базасини ташкил этувчи 30 мингдан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принциpigа мослаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон ва давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ҳамда ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кўзда тутилди.

Парламентнинг демократик қиёфаси тубдан ўзгарди. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари кенгайди. Парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик тақлифларини илгари суриш тартиби, қонунларни қабул қилиш жараёни такомиллашди.

“O‘ZLiDeP” ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капитал ҳаракати эркинлигининг кафолатлари мустақамланди. Ўз навбатида, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган қоидалар сони уч баробар кўпайди.

Қувонарли жиҳати, Конституциямиз ва қонунларимиз берган кафолат натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари тобора кўпайиб бормоқда, уларнинг сони 630 мингдан ошди ёки бир йилда 10 фоизга кўпайди. Бундан ташқари, умуммиллий бойлигимиз бўлган ерни узоқ муддатли ижарага бериш механизмлари кенг жорий эти-

лаётгани боис тадбиркорлик субъекти бўлган деҳқон хўжаликлари сони 700 мингдан ошди ва бу ҳолат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилларда 200 минг гектар ер деҳқон хўжаликлари учун ажратилган бўлса, бу йил яна 60 минг гектар унумдор ерлар ёшларга деҳқон хўжаликлари ташкил этишлари учун ажратиб берилмоқда.

Янги таҳрирдаги қомусимизнинг мазмун-моҳияти, кадр-қимматини тарғиб этиш ишларини кенг жамоатчилик орасида янада кучайтирмоғимиз лозим. Хусусан, партияимизнинг 14 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотларида ушбу ҳаётий бош ҳужжатни атрофлича тушунтириш борасида тарғибот ишлари, ўқув семинарлари давом эттирилади.

Умуман олганда янги таҳрирдаги Конституция нормаларини ҳар бир инсон ҳаётига теран татбиқ этиш учун барчамиздан, албатта, фаоллик, садоқат ва жасорат кўрсатиш талаб этилади.



Ахтам ХАЙТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринбосари, O‘ZLiDeP Сиёсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси раиси



### ЭКСПОРТБОП МЕВА ВА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ:

## КЎЧАТ ВА УРУФ ТАЪМИНОТИДА КАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

2




3

### МИСР СИРЛАРИ

ёхуд қутилган ва қутилмаган сафардан айрим лавҳалар

Қизил денгиз... Билганимиз, бу дунёда 63 та денгиз ва 5 та океан бор. “Энг” деган эталон билан баҳолайдиган бўлсак, бу энг иссиқ денгиз саналади ва Қизил денгизга битта ҳам дарё қуйилмайди.



6

### ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ “ЛАЗГИ”

Лазги нафақат одамнинг бармоқлари, балки, бутун танасини тилга кирита оладиган кам сонли рақслардан бири. У халқнинг кечаси ва бугунидан сўз очади. Гоҳи ҳасрат, гоҳи қувончини тараннум қилади.

## ЭКСПОРТБОП МЕВА ВА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ:

КЎЧАТ ВА УРУҒ ТАЪМИНОТИДА  
ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

- ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛАЁТГАН МЕВАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ?
- САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ УРУҒЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛМАЙДИМИ?
- ЎЗИМИЗНИНГ УРУҒЛАРГА ИШОНЧ ЙЎҚОЛГАНМИ?
- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ЧЕТДАН КИРАДИГАН НАВЛАРГА ҚАРАММИ?
- БУ БОРАДА БРЕНДИМИЗНИ ЯРАТИШ ШУНЧАЛИК МУШКУЛМИ?

О'zLiDeP электоратини чуқур ўйга толдираётган шу каби саволларга қуйида имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси билан Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда экспортбоп ва ижтимоий аҳамиятга эга мева-сабзавотлар етиштиришда кўчат ва уруғлар таъминоти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ("Ўзстандарт"), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассислари, FAO халқаро ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси вакиллари иштирок этди.

Қизғин мулоқот давомида мева-сабзавотчилик селекциyasi ва уруғчиликнинг ҳозирги ҳолати, бирламчи уруғчилик ва элита уруғчилиги йўналишларини ривожлантириш, сертификатлаш тизимини жорий этиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш каби долзарб муаммолар муҳокамалар марказида бўлди.

Ҳозирги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда интенсив технологиялар жорий қилинаётгани, корхоналар янги йўналишлар очаётганига қарамай, навларга бўлган ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, навлар ва дарахтларни мослаштириш, илгари суриш, юқори сифатли уруғ ва кўчатларни тижорат мақсадида етиштиришда учраётган муаммоларга ечим топиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда сабзавот ва полиз экинларининг сувсизликка, шўрланишга чидамли навлардан экспортбоп ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш устувор масаладир.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳудудлардаги эски боғларда ҳосилдорлик жуда пастлиги, соҳада фаолият кўрсатаётган агрономларнинг илмий ва амалий тажрибаси замон талабларидан орқада қолаётгани, доимий равишда соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграция жараёнининг тўлиқ йўлга қўйилмагани каби бир қатор муаммоларни ечиш фурсати етди.

Ҳосилдор мевали боғлар яратиш учун кўчатлар сифатига бўлган стандартлар талаб даражасида эмаслиги ҳамда ниҳолларда тегишли ёрликлар, кўчатлар навлари ёки навларни тўғрисида маълумотлар йўқлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётди.

Хориждан олиб келинаётган экин маҳсулотларида республикамиз ҳудудида учрамайдиган касаллик ва зараркунандаларга қарши назоратдан ўтиш пункти ўрнатилганига қарамайдан, уларнинг айланма йўллар орқали кириб келиш ҳолати учрамоқда. Бундан ташқари, мева етиштирувчи фермерлар ва томорқа-ер эгаларига сифатсиз, сертификатланмаган (кўп ҳолларда уланмаган ёввойи, пайвандсиз) маҳсулотлар сотилмоқда.

Меваларни етиштиришда фойдаланилган кимёвий препаратларнинг меъёрларини, тайёр маҳсулотларда пестицид ва нитратлар қолдиғини баҳолайдиган лабораторияларнинг йўқлиги сабаб экспорт ареаллари кенгаймасдан қолмоқда. Ҳудудларда уруғчиликни танлаш, саралаш, қайта ишлаш, кўчатчилик, уруғчилик ва селекция ишларини тўғри йўлга қўйишда муаммолар мавжудлиги, дон ва бошқа экинларни саралашда уруғчилик бўйича мутахассислар етарли эмаслиги ҳам қатор муаммоларни ўртага чиқармоқда.


Республикамизда етиштирилаётган сабзавот уруғларининг деярли ҳаммаси хорижий мамлакатлардан, жумладан, Голландия, Германия, Туркия сингари давлатлардан валюта эвазига импорт қилинади. Модомки, маҳсулот етиштирувчи хориж уруғларига боғланиб қолаётгани етмаганда, биз учун ёт бўлган хавфли касалликлар кириб келиши маҳаллий нав ва кўчатларнинг жиддий зарарланишига сабаб бўлмоқда.

Экспертлар мулоҳазасига кўра, Европада мавжуд карантин объектларидек тартибда республика ҳудудида келтирилган экин материаллари карантин питомникларида синалиши ва молекуляр генетик усуллар ёрдамида чуқур таҳлил қилиниши лозим. Мисол учун, сўнгги беш йил давомида помидор вируси туфайли ҳосилнинг 100 фоизгача йўқотилиши кузатилди. Олимлар бу вирус уруғлар орқали кириб келгани ва касалликнинг олдини олиш чоралари жуда мураккаблигини эътироф этмоқда.

Деҳқонларнинг сўзларига кўра, шоли, помидор, бодринг, сабзи, турп ва тарвузлар қаерлардадир частиштирилиб, улардан уруғ олинар экан. Биринчи йили экилганда унмдор ва мўл ҳосил беради, келаси йил эса ундан олинган уруғдан униб чиққан кўчат жуда секин ривожланади ва деярли ҳосил бермайди. Бу кимларнингдир уруғчилик селекциyasiдаги монополиясими ёки халқни фирибгарлик домига тортиш йўли билан манфаат орттиришми?!

Ота-бобларимиз азалдан томорқада картошка, пиёз, помидор, қовоқ, қовун ва тарвуз етиштирган. Уларни истеъмол қилгандан сўнг уруғларини куриштириб, саралаб, олиб қўйишган. Шу уруғлар эрта баҳорда қайта экилиб, улардан сифатли, экологик жиҳатдан тоза мўл ҳосил олинган. Бу жараён йиллар давомида такрорланар ва қутилган натижага эришиб борилар эди. Энг асосийси, мева, узум, полиз ва сабзавотлар, нафақат, Ўзбекистоннинг ички бозорларини тўлдирган, балки ташқи бозорларига ҳам етказиб берилган.

Хўш, маҳаллий уруғларимиз аввалдан бизда мўл ҳосил бериб келган бўлса-да, нимага энди деҳқон-фермер-



лар хориждан келтирилган уруғ ва навларга ёпишиб қолишди?

Масалан, мутахассислар бу борада қуйидаги мисолларни келтиришмоқда: пиёз уруғининг Қорақўл нави 35 тонна ҳосил беради, чет мамлакатдан келтирилган уруғликдан эса 100 тонна ҳосил олса бўлади. Кўриниб турибдики, маҳаллий навларнинг ҳосилдорлик имконияти ва рақобатбардошлик даражаси хорижийкидан анча паст.

Демак, республикамизнинг сабзавот-полизчилик тармоғидаги уруғчилик тизими хорижий етказиб берувчига қарам бўлиб қолаётганини очик айтиш лозим.



Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги соҳасининг ривожини учун мамлакатимизда мазкур тизимга илмий ёндашилиб, уларнинг ўзаро интеграциyasi амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабзавот ва полиз экинларининг асосий турлари, жумладан, помидор, картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳолининг кундалик истеъмоли учун жуда зарур.

Шундай экан, сабзавот ва полиз экинларининг уруғчилик тизими яхшиланса, замонавий тил билан айтганда, бренд шаклланади. Демак, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар бир сабзавот ва полиз экинларининг мустақкам базага эга бўлган уруғчилик тизими ривожлантирилмас экан, соҳа-



нинг тадбиркор ва деҳқон-фермер, томорқа эгалари чет мамлакатларда етиштирилган сабзавот уруғлари ва навларига муҳтож бўлиб қолаверади.

Шу боис, мамлакатда мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида 2024 йил 5 апрелда Президентимизнинг "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ва ана шу ҳужжатга мувофиқ, туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдони электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равишда ёшларга ижарага берилади. Талабгорларга ер майдонлари 30 йил муддатга кичик лотларда "бир массив – бир маҳсулот" тамойили асосида ажратилади.

Ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олган ёшлар "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"дан чиқарилмайди ҳамда улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолинади.

Демак, юқоридаги муаммоларга тегишли ечим топиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ✓ мева-сабзавот, полиз экинлари бўйича миллий генофондга асосланган замонавий уруғчилик тизимини ташкил этиш, шу орқали қишлоқ хўжалигида турли касалликларнинг олдини олиш бу борада мавжуд илмий-тадқиқот мусассасаларининг моддий техник базасини янада такомиллаштириш;
- ✓ мева-сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги бўйича

агроном-мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борувчи тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини амалиёт билан боғлаш, мунтазам равишда уларни хорижга малака ошириш ва тажриба ўрганиш учун жўнатиш;

✓ хориждан келтирилаётган кўчат, уруғ ва навларда аниқланган зарарли, хавфли организмлар ва бошқа зараркунандаларга қарши курашиш бўйича қатъий карантин ташкил қилиш, фитосанитария тадбирларини доимий ўтказиб бориш, ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш;

✓ давлат-хусусий шериклик шартларида уруғчилик кластерларини, жумладан, кичик уруғчилик ташкилотларини ташкил этиш, улар фаолиятини давлат томонидан доимий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чораларини кўриш;

✓ илгор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда хусусий уруғчилик фирмаларини ташкил этиш, улар учун соф рақобат муҳитини яратиш, илмий-тадқиқот институтлари билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фермерлик ва агробизнес вакилларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш келгусида Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотлар ҳамда полиз маҳсулотларини етиштириш самарадорлигига хизмат қилади.



Ақром АЛИМОВ,  
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни  
қўллаб-қувватлаш маркази директори



# МИСР СИРЛАРИ

## ЁХУД КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН САФАРДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАР

- **САҲРОДАГИ ШАҲАР СИРЛАРИ** ✓
- **ДЕНГИЗ БИЛАН МУЛОҚОТ** ✓
- **САФАР ОЙНАСИ ЁХУД “МЕНГА ЮРТИНГНИ АЙТ”** ✓
- **ҚОДИРИЙНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ** ✓
- **СВЕТОФОРСИЗ ПОЙТАХТ** ✓

Ҳар гал сафарга чиқишдан аввал, қаерга, қайси ўлкага бораётган бўлсам, ўша жойнинг тарихи, жўғрофияси, халқининг ҳаёт тарзи, анъаналари билан баҳоли қудрат танишмоққа ҳаракат қиламан. Аслида Миср Араб Республикасида ижодий сафарга боришимиз кеч кўздаёқ маълум бўлгани боис бу қадим юрт ҳақидаги тасаввурларим анча бой эди. Лекин барибир ўқиган, эшитган маълумотлар, манбалар бошқа ўз кўзингиз билан кўрган бошқа экан. Нега дейсизми? Унда бир бошдан эшитинг:

...Тошкентдан учган самолётимиз беш ярим соатда Синай ярим ороли ва Қизил денгиз ўртасида жойлашган курорт шаҳар Шарм аш-Шайхга кўнди. Ҳали баҳорнинг охири кўринмаётган жаннатмонанд юртимиздан бир зумда дим, беҳузур иссиқ шамол эсаётган саҳро ўртасидаги гавжум аэропортга келиб қолдик. Учиб-қўнаётган ҳаво кемаларининг охири кўринмайди.

Ичкарига кирдик. Тумонат одам. Ярим соатгина бурун осмонда маҳали бир-бирларига ўта меҳрибон ва сермулозамат бўлиб келган одамлар энди ўзгарган: шошқалоқ, навбат ҳам бергиси келмайди, кекса ёш болаларни кўриб кўрмасликка олган. Ё тавба, дейсиз ёқанларни ушлаб. Мусофир юртда эканлигини ҳам унутгани ва...

Гуруҳимиз сардори – дунё кўрган жаҳонгашта одам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Журналистлар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммадҷон Обидов ортидан эргашамиз. Йўл-йўлакай устоз ҳаммамизга саёҳат сабоқларини ўргатган. Энди ўзга давлатнинг қонун-қоидаларига бўйсунуш шарт. Бир пасда паспортлар йиғиб олинади ва кўзлари олазарак бўлиб турган мезбонлар содда меҳмонларга “хотис хизмат” таклиф этади. Тафсилотини ёзиб ўтиришим шартмас. Ҳужжатимизга кириш визаси урилгач, сал эркин нафас оламизу секин бизларни кутиб турган автобуска чиқамиз. Йўл-йўлакай нуқул реклама қилинавериш ёд бўлиб кетган бу ҳақиқий туризм шаҳрининг хушманзара жойларини томоша қилиб келдик. Меҳмонхона-пансионат шундоққина Қизил денгиз бўйида жойлашган экан.

**Шарм аш-Шайх...** Ярим аср аввал миттигина балкичилар кишлоғи бўлган бу ҳудуд Исроил томонида босиб олинди, Офир деяр номланади ва жуда қисқа муддат ичида катта қурилиш ишлари олиб борилади. Йўллар, ҳарбий аэропорт, меҳмонхоналар барпо этилади. Орадан 15 йил ўтгач, 1982 йилда Миср армияси оғир жанглардан сўнг бу гўшани яна ўз харитасига қўшиб олишга муваффақ бўлади. Асосийси, бизга ҳамроҳлик қилган гид-таржимонларнинг изоҳ беришларича, Мисрни 30 йил бошқарган Хусни Муборакнинг қатъий иродаси туфайлигина бу шаҳар озод этилиб, тарихий бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, бугунги кунгача дунё сайёҳлари эътиборини қозониб келаётган экан.



Деярли тўрт фаслда ҳам мўътадил саҳровий об-ҳаво ҳукм сурайдиган бу гўзал ҳудудда ёмғир ёққудек бўлса одамлар кўчаларни тўлдириб бир-бирларини култалар экан. Ҳаво температураси ўзгарувчан, мавсумга қараб 15 даража иссиқдан 45 даражагача қўтарилади. Денгиз суви ҳарорати эса 20 даражадан ошмайди. Дам олувчилар ниҳоятда кўп. Энг сўнгги замонавий русумда бунёд этилган ҳашаматли меҳмонхона пансионатлар, савдо комплекслари, корхоналар кўзни қувнатди.

Қизиқ томони, Шарм аш-Шайхни бу ерда ҳозир бўлган турли давлат фуқаролари сонига қараб уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзини, аҳолининг яшаш даражасини белгиловчи ўзига хос барометр дейиш ҳам мумкин. Масалан, биз яшаб турган меҳмонхонада МДХ мамлакатлари орасида асосий учталikka Россия, Ўзбекистон, Қозоғистонни кириштириш мумкинлигини англадик. Бошқаларидан жуда кам ёки умуман учратмадик. Шу маънода, кўз тегмасин, юртимиз дунёдаги қоқоқ ўлкалар рўйхатида кирмаслиги ҳақиқат.

...Болалигимда дунё адабиётининг етакчи вакиллари билан, афсонавий адиб Чингиз Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопайтган олапар” қиссасини ўқиб... тунлари тушларимга денгиз кириб чиқарди. Раҳматли онам ўзим туғилиб ўсган кишлоқ ёнидан оқиб ўтадиган Оёқчидаёқ бўйида кўй боқиб баҳонасида соатлаб қирғоқларга термулиб, охири ухлаб қолганимда неча марта қойиб бергани эсимда. “Мен барибир денгизни кўраман” деганимда кулиб қўйган синфдош қизларимиз бугун оқоч моомларга айланди. Мен эса Яратганга минг қатла шукрки, йиллар ўтгач, аввал Қора ва Мармар денгизларни кўришга муяссар бўлдим.

**Қизил денгиз...** Билганимиз, бу дунёда 63 та денгиз ва 5 та океан бор. “Энг” деган эталон билан баҳолайдиган бўлсак, бу энг иссиқ денгиз саналади ва Қизил денгизга битта ҳам дарё қўйилмайди. Денгиз сувида шундай катта миқдордаги туз захираси борки, агар у қазиб олинса, бутун ер юзини, бир неча метр қалинликдаги қатлам билан қоплаши мумкин экан. Ва яна денгиз, бу денгиз тўлқинлар баландлиги бўйича ҳам рекордчи – қирқ метргача етиши кузатилади. Миср, Судан, Эритрея, Исроил, Иордания, Саудия Арабистони ва Яман давлатлари қирғоқларига туташ. Энг чуқур жойи 3 039 метр. Бу денгизда ўсимлик тури кам, бироқ ҳайвонот дунёси хилма хил. Хуллас, сафаримиз давомида Қизил денгизнинг сирли дунёси билан яқиндан танишдик.



Ким қачон Мисрга сафар қилгудек бўлса, биринчи сўрайдиган манзилимиз, албатта, инсоният тарихи бешикларидан саналган Қоҳира шаҳри бўлади. Чунки бу кўна шаҳар ва унинг атрофи, жумладан, дунёдаги энг узун дарёлардан бири Нил ҳам шу заминнинг ўзига хос белбоғидир.

Бутун мамлакат аҳолиси 105 миллиондан ошган бўлса, бу рақам пойтахт Қоҳирада 25 миллиондан ортққ дейишди. Қолаверса, яна беш-олти миллион киши рўйхатга олинмаган, келиб-кетувчилар мақомига эга экан.

Қизиқ жиҳати, Миср заминининг 96 фоизи чўл ҳудудларидан иборат. Тасаввур қилиясизми, масалан, оддийгина деҳқончилик билан фақатгина Нил дарёси бўйлари ва Нил водийсида, шунингдек, Ўрта Ер денгизи бўйларида шуғулланиш мумкин экан. Деҳқончиликка яроқли ерларнинг умумий майдони 2,5 миллион гектарни ташкил этади. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бу давлат ўз эҳтиёжларининг 40 фоизини таъминлайди. Миср умумий sanoatининг 25 фоизи тўқимачилик ҳиссасига тўғри келади. Африкадаги энг йирик мамлакат бўлмиш Миср мева ва поллиз экинлари шарбатларини экспорт қилиш бўйича Ўрта Ер денгизи минтақасидаги бешта, зайтун маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича эса дунёдаги ўнча йирик давлатдан бири ҳисобланади.

Қоҳира давлат музейи, Катта Миср музейи, Копт музейи, Ислон санъати музейи, Нубия музейи ва Исқандария миллий музейи Мисрнинг энг машҳур музейлари ҳисобланади. Биргина Қоҳирадаги ислон санъати музейида араб, турк ва форс халқларининг 100 мингдан ортққ қўл хунармандчилиги санъати дурдоналари сақланади. Шунингдек, шаҳардаги Ал-Азҳар университети мусулмон оламидаги энг обрўли таълим даргоҳларидан биридир. Гуруҳимиз аъзолари бу машҳур музейлардан айримларининг зиярат қилмоққа улгуришди. Чунки сафаримиз дастури анча тиғиз эди-да.

...Қоҳирага борган кунимиз аввалига ўша, ҳаммамиз учун қўл етмас Нил дарёси бўйлаб қисқакгина саёҳатга ҳам чиқдик. Сўнг мамлакатимизнинг Мисрдаги элчихонаси шафелигида туркий адабиётимизнинг улуғ вакили Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар: Туркистондаги аччиқ севги қиссаси” номи остида бир асрдан сўнг араб тилида чоп этилган китоби тақдиримизга бағишланган адабий тадбирда қатнашдик. Нега асрларки, ўқувчилар қалбини жунбушга солиб келаятган бу мумтоз асарни Ал Шамс ва Луксор уни-



верситетлари профессори Муҳаммад ал-Жибали ўз она тилисига ўғиргани фоят хайрли иш бўлди.

– Абдулла Қодирийдек даҳо ёзувчи қаламига мансуб бу романнинг таржима қилиниши, муболағасиз айтиш керакки, бутун араб дунёси учун муҳим воқеа бўлди, – деди Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Мансурбек Қиличев. – Минг нусхада чоп этилган китоб Мисрдаги энг нуфузли кутубхоналар, олий ўқув юртурлари тарқатилмоқда.

Тақдимот маросимида икки дўст ва қардош мамлакат ёзувчи, журналистлари, мухлислари қатнашди. Жумладан, Абдулла Қодирийнинг набираси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хондамир Қодирий, “Миср – Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси Маҳди Забал, “Азбор ал-Яум” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фотима Бадавий, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, адиб-шоир Фармон Тошев, Қоҳира университетидеги ўзбек тилини ўрганиш баробарида илмий фаолият олиб бораётган Раҳима Иброҳим ва бошқалар сўзга чиқиб, “Ўткан кунлар” романи нафақат ўзбек халқи, балки араб халқи адабиёти учун ҳам фоят қадрли асар эканини эътироф этдилар.

– Мен аввал ҳам ўзбек адабиёти намуналарини араб тилига таржима қилганман, – деди профессор Муҳаммад ал-Жибали. – Аммо “Ўткан кунлар”ни ўз она тилимга ўғириш осон эмаслигини англаб, ўнлаб йиллар қайта-қайта ўқидим, ўргандим ва жиддий тайёргарлик кўрдим. Бу машаққатли вазифани қай даражада уддаладим, баҳосини зукко ўқувчиларимиз беради. Шунингдек, ушбу дурдона асарни таржима қилиш ва чоп этилишида менга беминнат кўмак берган, руҳлантирган Мисрдаги элчихонамизнинг маданий масалалар бўйича атташеси Отабек Алимовга ҳолида миннатдорлик изҳор этмоқни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан. Насиб этса, келажакда Алишер Навоий ғазалларини араб тилига ўғиришни ният қилиб қўйдим...



Хондамир Қодирий (чапда) мисрлик таржимон, профессор Муҳаммад ал-Жибали билан

Тақдимот ниҳоялаб қолганди. Навбат Хондамир Қодирийга берилди. Уч кундан бери даврамизда жимгина камгап бўлиб юрган камтарин инсон ҳаяжонини яширолмади: “Менинг отам – раҳматли Ҳабибулла Қодирий Мисрга зияратга келганлари ва бу заминда кўрган ҳайратомуз тарихий ёдгорликлар, Ислон музейлари, масжидлар ҳақида бир дунё таассуротлар олганини бизга айтиб берган эдилар. У замонлар анча нотинч ва ҳавотирли эди. Ва ана шунда, армон билан, қанийди отамнинг ўлмас асарларини араб дўстларимиз ҳам мутолаа қилсалар қандай хайрли иш бўлар эди, деганлари, ҳали-ҳали эсимда турибди...”

Элчихонанинг мўъжазгина залида йиғилганлар вужуди шу лаҳзада сукутга чўлди. Ҳаммамнинг нигоҳи Хондамир акада эди. У шу гапларни айтаётиб, киприклари намланди ва “Мен, энг аввало, бобомиз руҳини араб оламида шод этган фидойи таржимон, доктор Муҳаммад ал-Жибалига ташаккур айтмоқчиман. Тағин юртдошимиз, элчихонамиз ходими, қадрдон укамизнинг ота-онасига минг раҳмат дейман, сабабики, фарзандларига “Ўткан кунлар”дан руҳланиб, куч олиб Отабек деб исм қўйганлари учун. Тақдирни қарангки, бир асрдан сўнг Мисрдек олис бир ўлкада

Қодирий бобосининг ўлмас китобини чоп эттирибди. Мен, аввало, ватандошларим, оиламиз аъзолари ва менинг бу узоқ юртга сафаримни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Ёзувчилар уюшмаси раиси шахсан Сирожддин Сайид дўстимга, қолаверса, Абдулла Қодирийни қадрлаган араб адабиёти ва фани заҳматкашларига самимий раҳматларимни айтмоқчиман”...

Ана энди бир ғаройиб манзара билан таништирайин сизни:

ҚОҲИРА Африкадаги жуда улкан ва йирик шаҳарлардан бири. Қарийб ўттиз миллион аҳоли яшаётган пойтахт. Транспорт қатнови, ҳаво ва Нил дарёсидаги тинимсиз кемалар ҳаракати. Кўз илғамайди. Чумоли уясига ўхшайди, гўёки шаҳар кўчаларидаги машиналар юриши. Ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик.

Марказий кўча. Ўзимизнинг “маршрутка”мизга ўхшаш замонавий машинада кетяпмиз. Айтсак, ишонмасиз, оралиқ масофа 30-50 сантиметр, ҳатто ҳайдовчимизнинг маҳоратини кўриб... юрак орқага тортиб кетади. Қўл-оёқ баравар ишляпти, тормозгаз-рул! Кўзни қўяверинг. Энг ёмони, кўчада юрган аксар янгио эски машиналар ола-була, урилавериб, олақашқа бўлиб кетганидан кўра ИТХга учрамагани камроқ.

Бизни янада ҳайрон қолдирган воқеа: кўз ўнгимизда битта “Мерседес” йўлида тасодифан чиқиб қолган маршрутли “Тойота”нинг тумшуғидан уриб юборди. Биз бўлсак, оббо, фалокат рўй берди-ку, энди ҳаммаёқда “пробка” бўлиб ҳаракат тўхтади, деб ҳавотирланиб ўтирсак, ҳалигилар парво ҳам қилмай, қўллари билан “сабр” ишорасини кўрсатиб йўлида давом этаверса бўладими... Бизда-чи, уловлар ўзаро урилиб-сурилиб кетишини айтиб ўтирманг, ҳатто бир-бирига йўл бермаса, ҳаммаёқда ур калтак-сур калтак бошланади. Бехосдан ё билиб-билмай урилса-ку урди Худо. ИПХчимиз ажратолмайди...

Янада ажабланирлиси, мисрлик ҳамкасбларимизнинг айтишларича, ҳайҳотдек мегаполис шаҳарда светофорлар жуда кам экан. Борлариниям кўрдик. Эски русумдагилари зўрага ишлаб турибди. Лекин пиёда ва ҳайдовчи маданияти жуда баландлиги шундоққина кўрилади. Билмадик, ҳаракат бошқаруви қандай шаклланган бўлиши мумкин? Биз эса ҳар қандамда светофор ўрнатиш, керак нокерак белгиларни кўпайтириш билан оворамиз.

Балки ўз кўзим билан кўрганим Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳридаги айланма ҳаракатли чорраҳабоп йўлга бу ўлкада ҳам ўзини оқлаётгандир. Не бўлганда, хорижий тажрибаларни ўрганиш фурсати келди.

Хуллас, шундоқ гаплар. Сафар баҳонасида ҳали яна қанча айтилган ва айтилмаган, ёзилган ва ёзилмаган воқеа-ҳодиса, ғаройиб манзараларга гувоҳ бўлдик.

Сафарномамизнинг давоми ҳали бор. Яхшиликда кўришгунча!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
Тошкент-Шарм аш-Шайх-Қоҳира



# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ХУДУДЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. МУЛОҚОТЛАР ЧОҒИДА ФУҚАРОЛАРИНИНГ ФИҚР-МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНМОҚДА. УЛАР КЎТАРГАН МУАММОЛАР БАТАФСИЛ ЎРГАНИЛИБ, БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН СОҲА ХОДИМЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТОПШИРИҚ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛМОҚДА.

## ФАРҒОНА

### ЯНГИ ҚОНУННИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Хўжаева Ўзбекистон тумани Туюл маҳалла аҳли ва 36-умумий ўрта таълим мактаби педагог ходимлари билан учрашди.

Сайловчиларга парламентнинг куйи палатаси ташаббуси билан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.



Ушбу қонун фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой, бошқа бино ва иншоот ёки кўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи расмийлаштирилиши учун ҳуқуқий асослар яратилишига хизмат қилишини тушунтирди. Шунингдек, “Яшил макон”, “Яшил иқтисодиёт” лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юзасидан ҳам тўлиқ маълумот берди. Айниқса, у келгуси йили 36-мактаб ўрнида 660 ўринли янги замонавий мактаб қурилишини айтганида барча хурсанд бўлди.

Депутат хонадонларга ҳам бориб, фуқаролар билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

## БУХОРО

### САЛОМАТЛИК ОРТИДА ФАРОВОНЛИК ЁТИБДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мадина Баратованин Бухоро шаҳридаги Хўжа Ғунжорий, Ҳавзи нав ва Турки Жанди маҳаллалар аҳолиси билан учрашувлари ҳам қизғин кечди. Мулоқотларда халқимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратилган янги қонунчилик ҳужжатлари ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятини содда тарзда тушунтирди. Ушбу ҳужжат истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли таъминлаш, аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилиши ва энергия тежовчи технологиялар кенг жорий этилишини рағбатлантиришини қайд этди.



Шунингдек, “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасидаги ислохотларнинг бориши ва бу ишлар юрдошларимиз саломатлиги, экологиямиз муҳофазатига эришишда нечоғли муҳимлиги тўғрисида сўзлади. Ўз навбатида, сайловчиларнинг саволларига ҳам асосли жавоблар қайтарди.

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати



## ҚАШҚАДАРЁ

### ТОМОРҚАДА БАРАКА БОР...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Деҳқонobod туманидаги ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишди.

Мулоқотда қонунчиликдаги янгиликлар, томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички имкониятларни ишга солган ҳолда туман иқтисодиётини юксалтириш борасида сўз юритилди.

Партиядан сайланган халқ ноиблари билан учрашув чоғида аҳолининг муножатларини ўрганиш, уларни қўйнаётган муаммоларни ижобий ҳал этишда партия томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

А. Хаитов парламент куйи палатасида қабул қилинаётган янги қонунлар ҳақида маълумот бериб, “Ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.



Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгилаб берилган долзарб вазифалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Спикер ўринбосари давлат раҳбари ташрифи давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берган вазифалар ижроси сайловчиларнинг муаммо ва таклифларини чуқур ўрганиб, ўз вақтида мақбул ечим топиш борасида депутатлардан янада фаолроқ бўлишни сўради.

Мулоқот чоғида туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасидаги таклиф, лойиҳалари қўриб чиқилди.

### БИР МАВСУМДА 150 МИЛЛИОН ДАРОМАД

О'zLiDeP лидери бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари тумандаги “Қодир бахши Раҳимов” маҳалласида бўлиб, аҳолининг томорқа хўжалигидан фойдаланиш самарадорлигини ўргандилар.

Қур Даҳна қишлоғида 120 та оиланин аксари каврак етиштирар экан. Жумладан, Абдурашул бобо Раҳимов қишлоқда биринчилардан бўлиб каврак етиштиришни йўлга қўйганлардан. Бугунги кунда унинг юздан ортиқ шоғирди шу иш билан шуғулланиб, мўмайгина даромад топмоқда. Қудрат Солиев ўтган йили 50 сотих майдондаги кавракдан 100 миллион сўм даромад қилибди. 15 минг донга кўчат етиштириб сотган.



– Бу йилги даромадимиз 150 миллион сўмдан ошади, – дейди Қудрат Солиев. – Саъй-ҳаракатга яраша ҳосилдорлик ҳам ошиб бораверади. Уттиз минг донга кўчат сотишни мўлжаллаб турибмиз. Кавракни бодом ва бошқа мева-дарактлар орасида етиштирямиз. Бодомлар бу йил ҳосилга кирди. Шу боис, келаси йилдан боғимиздан ҳам яхшигина маблаг топамиз, насиб этса. Маҳалладошларимиз томорқа хўжалигидан фойдаланиб, бойиш сирларини эгаллаш мумкинлигини тушундилар. Ҳозир томорқаларда бўш жой кўрмайсиз. Одамлар тинмайди. Оиламизда тўрт киши ҳам доимий иш билан банд. Келгуси-

да каттароқ ер олиб, кавракзор ташкил этмоқчимиз.

Дарҳақиқат, бугун деҳқонбодликлар томорқадан унумли фойдаланиб, рўзгорига барака киритмоқда. Қишлоқларда иссиқхона хўжалиги ривожлантирилиб, янги боғлар ташкил этилмоқда. Асосийси, кавракдан даромад олиш ниятидаги ёшларга ер ажратила бошланди.

Лекин бизга ўзаро мулоқот чоғида баъзи томорқачилар кавракчилик соҳасида учраётган оғриқли муаммолар ҳақида ҳам айтиб қолишди. Масалан, ўз томорқасида маданий ҳолда каврак етиштираётганлар маҳсулотини бозорда сотишда бир қатор тўсиқларга ҳам дуч келишаётганини яширишмади.

Мазкур тумандан парламент куйи палатасига сайланган Ақтам Хаитов юзма-юз мулоқотда туманда оқова сув танқислигини ҳисобга олиб, томорқаларни томчиладиб суғориш технологиясидан самарали фойдаланиш, сувсизликка чидамли ўсимлик ва даракт кўчатлари ўтқизиш, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш борасида депутатлар томонидан кенг қўламад тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

### НИШОНДА ҚАРТОШКА БИТМАЙДИМИ?

Бир пайтлар одамлар орасида Нишонда картошка етиштириб бўлмайди, деган ғалати қараш бўлгани рост. Шунинг учунми, кўпчилик картошкачиликни энг машаққатли меҳнат деб деярли экишдан қочарди. Лекин етти йилки ҳудуддаги Орзу бўстони маҳалласида яшовчилар таваккал қилишиб, куйиб қолишмади. Аксинча, томорқаларида картошка етиштириб, бозорга ҳам олиб чиқишмоқда.

О'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов мазкур маҳалла аҳолисининг томорқачилик тажрибаси билан танишди. Бу борадаги илғорлардан бири Шерзод Жумаев эришаётган ютуқлари ҳақида анжуман иштирокчиларига сўзлаб берди.

– Аввалига ярим сотих майдонда картошка экиб кўрдим, – дейди у. – Дастлабки йил уруғ танлашда адашган эканман. Ҳосил яхши бўлмади. Бу йилиси бир сотих жойга сифатли уруғ қададим. Ёмон бўлмади. Ҳозирда тўрт сотих майдонга оризона навидан экканман. Ниҳолларнинг ривожини яхши. Яхшигина даромаддан умидим бор. Келгусида каттароқ майдонда деҳқончилик қилишни мўлжаллаяман.



Маҳалладошларим мендан ўрнат олиб, картошка етиштиришни йўлга қўйишди. Чори Нурматов, Бақир Исмоилов, Алёр Абдурашулов деҳқончиликни ҳадисини олган томорқачилар саналди.

Бугун тумандаги Орзу бекати, Юксалиш, Пахтаобод ва Жалажин қишлоқларида деҳқончилик қилиб, мўмайгина даромад топаётган оилалар сонини анчагина. Алишер Йўлдошев 3,5 сотих майдонда картошка, 1,5 сотих ерда помидор етиштиряпти. Шоҳзамон Миҳлиев оиласи 2,5 сотих майдондаги иссиқхонасида лимон, мандарин, апельсин кўчатлари етиштириб, йилига ўттиз миллион сўм даромад қилмоқда. Кўчатлар қўшни туманлардаги иссиқхоначиларга ҳам етказиб бериляпти.

### АСАЛАРИЧИЛИКДА ПАХТАОБДЛИКЛАРГА ТЕНГ КЕЛИШ ҚИЙИН

Ишонасизми ёки йўқми, Пахтаободнинг асалига тенг келадиган неъмат Қашқадарёда топилмайди. Бу ерда ҳар икки оиладан бири асал етиштиради. Маҳсулотларини воҳанин туману шаҳарлари, Тошкент бозорларига ҳам чиқаришади.

Ишчи гуруҳ аъзоларида Пахтаобод маҳалласида яшовчи тажрибали асаларичи Муродилла Саидов яратган ихтиро катта қизиқиш уйғотди. Мазкур асалари боқиладиган кўчма уй автомашина ёрдамида ҳаракатланиб, 50 қути асаларини ўз бағрига сиғдира олади. Хонадон соҳибни агар бюртма қилишса, ёш асаларичиларга 50 қути асалариси билан мазкур мосламани сотишини билдирди. Ақтам Хаитов пахтаободликларнинг асал етиштириш борасидаги тажрибасини бутун мамлакат бўйлаб оммалаштириш юзасидан маслаҳатлашди. Мулоқот чоғида тадбиркорнинг режалари, уларни қўйнаб келадиган муаммолар билан қизиқиб, керакли тавсия ва маслаҳатларини берди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири



/// “ИШБИЛАРМОН АЁЛ-2024”

## “NA SYUZANE” МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИКНИНГ УЙҒУН КЎРИНИШИ

“Ишбилармон аёл” кўрик танловининг жорий йилги саралаш босқичлари республикамизнинг барча худудларидаги маҳаллаларда аллақачон бошланди. Қувонарлиси, танлов баҳонасида янгидан янги тадбиркорлар кашф этиляпти ва улар туман босқичларига йўл олишмоқда.



3-ўринга “Ёшлик” талабалар шаҳарчасидан қатнашган тадбиркор аёл Камола Маҳаматова, 2-ўринга “Муноси” тикув чеҳи раҳбари Муниса Хикматова лойиҳа деб топилди.

Фахрли 1-ўрин ғолиблиги эса Насиба Исҳоқовага насиб этди. У миллий кашталаримизни замон билан уйғунлаштирган “NA SYUZANE” бренди билан фаолият юритаётди.

Маҳсулотлари Англия, АҚШ, Хитой, Германия, Тожикистон, Қатар каби давлатларга сотилмоқда. Изланувчанлиги ва тиришқоқлиги билан танилган бу ғолиба аёл каштачилик санъати, сўзана тарихи, тикиш услублари, нақш турлари ва компози-

цияларини маҳалладаги ишсиз аёлларга, ёшларга ўргатиб, бандлигини таъминлаб келаётди. Бугунги кунда 60 дан ортиқ ана шундай ишсиз, ногиронлиги бор аёлларни фойдали меҳнат билан машғул бўлишида кўмаклашмоқда. Шу боис у мутлоқ ғолиб деб тан олинди ва унга танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма топширилди.

Барча фаол иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари, диплом ва ташаккурномалари билан тақдирланди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

## МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИДИР УЛАР

Ҳазорасп туманида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳаллалардаги саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда. Ўндан ортиқ маҳаллада ташкил этилган танловда тадбиркор, фермер ва моҳир хунарандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.



Лойиҳа низомига мувофиқ иштирокчиларнинг кўшимча иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб бўйича ўқитгани, бандлигини таъминлаб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида кўмаклашганига эътибор қаратилди. Шунингдек, баҳолашда фаолият туридан келиб чиқиб, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотни қай даражада ишлаб чиқараётгани, аҳолига кўрсатаётган хизматининг сифати ҳамда ишида табиқ этилаётган янги инновацион ғоялари ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Шуларга қўра, ҳар томонлама ибратли ишбилармонлар саралаш

босқичининг ғолиблари деб эътироф этилди ва улар танловнинг туман босқичига йўлланма олишди. Хусусан, Темирчи маскани маҳалласидан Шаҳноза Болтаева, пичоқчилик Комила Оллоберганова, бўстонлик Гулнора Кенжаева, боғи-роғлик Лайла Жуманиязова, овшарлик Малоҳат Машарипова, мухомонлик Феруза Шарипова, Навруз маҳалласидан Зайнура Кенжаева, сано-

атлик Каромат Ибадуллаева, Бешта маҳалласи вакиласи Умида Собирова, Янгибозор фаоли Маложат Отмуродова энди туман ғолиблиги учун тайёргарликни бошлайдилар.

Ишбилармон аёлларга О'zLiDeP-нинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

## ИНТИЛГАН ИШСИЗ ҚОЛМАС

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг дебочаси – маҳаллалардан бошланди. Бу эса, худудларда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда жуда қўл келиши тайин.

Шароф Рашидов туманидаги Тараққиёт, Яхтанлик, Хавастлик, Янгибод маҳаллаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг саралаш босқичида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Феруза Нигматова, маҳаллий кенгаш депутатлари, “маҳалла еттичилиги” аъзолари ҳам фаол иштирок этишди. Очигини айтиш керак, қўллаб тадбиркорларимизнинг фаолияти ибратга лойиқ.

Мисол учун, Тараққиёт маҳалласидаги “Элсевар” тикув чеҳи раҳбари Зебинисо Хидирова тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига икки йилдан ошди. Айни пайтда тиниб-тинчимас бу аёл 50 нафардан ошқик хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Янги лойиҳалар устида қизгин иш олиб бормоқда. Агар бу лойиҳалар муваффақиятли амалга охсас, яна 50 та иш ўрни нақд дегани.

Яхтанлик маҳалласида жойлашган “Шарқона ва шарқона либослар” МЧЖ тикув цехининг раҳбари Феруза Пардаева эса 40 нафар янги иш ўрни яратибди. Корхонасида чеварлар турли хил либослар, жумладан, махсус кийимлар тикиб истеъмолчи-



ларга етказиб беришмоқда.


Янгибодлик якка тартибдаги тадбиркор Гузал Пулатова эса 20 нафар маҳалладошини ёнига олиб, катта ният билан ишламоқда. Интилганга толе ёр, ажабмас, уларнинг сафи ҳам йилдан йилга ортиб, машҳур брендга айланса.

Саралаш босқичи давомида тумандаги мавжуд 48 маҳалладаги оилавий, хусусий ва бошқа йўналишларда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёлларнинг фаолияти билан танишиб чиқилмоқда. Ҳозиргача Тараққиёт маҳалласидан

Зебинисо Хидирова, яхтанлик Феруза Пардаева, янгибодлик Гузал Пулатова, уч ариқлик Паризода Йўлчибоева, янги ҳаётлик Манзура Тожибоева кўрик-танловнинг туман босқичига йўлланма кўлга киритишди. Улар туманининг жорий йилдаги энг ишбилармон аёли деган шарафли ном учун кураш олиб боришди.

Саида УМАРАЛИЕВА,  
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши  
“Аёллар қаноти” гуруҳи раҳбари

/// ТАҚДИМОТ



## ЖУРНАЛИСТ УЧУН ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАНМА

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. XXI аср ахборот асри дейилиши ҳам бежиз эмас. Дунёнинг турли нуқталарида ахборий хуржлар авж олмақда. Аниқки, бу каби мураккаб жараёнлар, биз яшаётган минтақа, жумладан, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Лекин энди вазият анча ўзгарди. Айниқса кейинги етти йил ичида давлатимизда очиқлик, ошқоралик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу маънода журналистлар учун ҳам эркинлик экинлари эса бошлади ва қисқа муддат оралиғида уларнинг демократик ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланди.

Маълумки, ахборот хизмати соҳаси жамиятимиз учун ҳали янги. Ва аёнки, ўзини соҳанинг етук мутахассисиман деганларида ҳам назария масаласи, саводхонлик ҳаминқадар, анча суст. Бу айниқса, сиёсий журналистика ва жамоатчилик билан алоқаларда кўпроқ сезилади.

Шу маънода устозимиз, филология фанлари номзоди, доцент Олимжон Ўсаровнинг “Оммавий ахборот воситалари ва ахборот хизматлари: назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмаси юқорида айтилган қатор муаммоларга имкон қадар ечим бўла олади, деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур қўлланмада ҳозирги глобаллашув даврида миллий масс-медиа ва ахборот хизматларининг ўрни ва роли, ўзига хос хусусияти, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболлари ёритилган. Хусусан, ОАВ ва суд ҳокимияти муносабатларининг ҳуқуқий асослари, судлардан ахборот олиш, тарқатиш муаммолари, журналист маҳорати, этикаси масалалари, сиёсий партияларнинг ғоя ва мақсадлари тарғиботи, сиёсий технологияларни самарали қўллаш, давлат органлари, жумладан, парламентда журналистларни аккредитация қилишнинг зарурияти, мақсад-моҳияти, пресс-конференция ўтказиш, пресс-релиз ёзиш тартиб-таомиллари назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиб, бу борада илғор халқаро тажриба қийсий ўрганилган.

Қалин муқовали, 488 саҳифадан иборат мазкур китоб рамзий маънода давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари билан бошланади:

**ОШКОРАЛИК ВА СЎЗ  
ЭРКИНЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ, БУГУН  
ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАЛАБИ.  
БУГУНГИ КУНДА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМ МАЪНОДА  
“ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ”ГА АЙЛАНИБ  
БОРМОҚДА.**

Муаллиф китобнинг кириш қисмида бугунги сиёсий жараёнлар, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодийни ривожлантириш, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун қилинаётган ислохотлар ва шу билан бирга журналистиканинг ўрни ва нуфузи ҳақида сўз юритади.

– Оммавий ахборот воситалари бугунги реал воқеликларни очиқ-ойдин ёритиш билан чекланиб қолмасдан, истиқболда бизни нима-лар кутаётганини аққол тасаввур қилишга ҳам кўмаклашмоқда, эртанги кунга бўлган ишонччи янада мустақамлашга хизмат қилмоқда, – дейди Олимжон Ўсаров қўлланманинг илк саҳифаларидаги сўзбошисида.

Мазкур китобнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, муаллиф уни тайёрлаш жараёнида уч юздан ортиқ турли адабиёт ва қўлланмалардан фойдаланган. Бу эса, китобнинг илмий жиҳатдан нақадар қадрли эканидан далолат беради.

Карим ЗАРИПОВ,  
“XXI asr” мухбири

**БИРОҚ ОРАДАН КЎП ВАҚТ ЎТМАСДАН  
АХБОРОТ МАКОНИГА ЁЛҒОН, ТУҲМАТ,  
ТАСДИҚЛАНМАГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ  
ТАРҚАТИШ КАБИЛАР БЎЙ КЎРСАТА  
БОШЛАДИ. БУ МАЙДОНДА ЎЗЛАРИНИ  
БЛОГЕР ДЕБ АТАЙ БОШЛАГАН ҚАТЛАМ  
ШАКЛЛАНДИ. УЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ  
ШУНДАЙ ДЕЙИШДАН ТИЙИЛГАН ҲОЛДА  
АЙТИШ КЕРАККИ, БАЪЗАН БЕРИЛГАН  
СЎЗ ЭРКИНЛИгини ОЧИҚЧАСИГА  
СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ОҚИБАТИДА  
АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРГА ЗИД РАВИШДА,  
ТАСДИҚЛАНМАГАН, ШАХСНИНГ ШАЪНИ,  
ҚАДР-ҚИММАТИНИ КАМСИТУВЧИ ЁЛҒОН  
АХБОРОТ, ШОВ-ШУВЛИ БОСМА, ВИДЕО  
КЎРИНИШДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА АСОСИЙ  
ТАРҚАТИШГА РУЖУ ҚЎЯДИГАНЛАР  
КЎПАЙДИ.**

Ана шундай пайтда профессионал журналистиканинг қадри, ўрни қаттиқ сезила бошлади. Журналистлар зиммасидаги масъулият кескин суръатда ортди. Энди улар ҳар қандай мавзу, йўналишдаги янгиликларнинг тезкорлигига, ишончилигига ва албатта, таъсирчанлигига эътибор қаратиши керак бўлди. Бунинг учун фақат ва фақат ташкилот ва корхоналарнинг матбуот котиблари, ахборот хизмати ходимлари билан узвий ҳамкорлик қилиш ва етук билим талаб этилди.

Ўзимдан қийс: кўпдан бери босма нашр вакили сифатида фаолият юритаётган бўлсам-да, соҳамизга оид қонунчилик, талаб ва қоидаларни пухта эгаллаш масаласида ўрганишим лозим бўлган қирралар кўплигини англаб етдим. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар йўналишини тамомлаганман. Шунинг учун ҳам бу икки соҳа менга бегона эмас. Бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайдиган бу икки тизимнинг ютуқлари, хато ва камчиликларидан баҳоли кудрат хабардорман. Ҳар икки тармоқ вакиллари қийнайидиган умумий муаммолар ҳақида биламан.

Биргина мисол, бизнинг соҳамизга оид ўзбек тилидаги адабиёту қўлланмаларнинг жуда камлиги журналистикамизнинг ҳам, таъбир жоиз бўлса, унинг негизиде шаклланиб келаётган ахборот хизматининг ҳам катта муаммоси.

/// ҚАДРИЯТ

# “ЎРТАР”НИ ЎРТАНИБ КУЙЛАНГ

Она тилимиздаги ҳар бир сўзнинг ўз яратилиш тарихи, маъно қўламини маъжуд. Сўзнинг маъносини англаш, ҳис қилиш, у асосда фикр билдириш Яратганининг инсонга берган буюк неъматидир. Шу неъматни юракдан англаб етиш ҳар биримиз учун муҳим. Бу ҳолатни буюк шоиримиз Эркин Воҳидов “Сўз лабофати” китобида қуйилганча таърифлайди: “Дунёнинг энг аҷиб, энг сирли ва сирли сўзларидан бири Сўз оламга сўзгадир. Негаки, Сўз яралшидан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда... Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб, оламни янада тирақроқ идрок қилади. Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг таълига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматиде яшириниб ётар экан”.

Айтилган ушбу сўзлар замирида олам олам маъно бор. Кундалик ҳаётимызда қўшиқ сўзини ҳар кун ишитаемиз, лекин нима сабабдан қўшиқ дейилади, деб ўйлаб кўрганамизми? Дастлабки баҳсимиз ана шу сўз ҳақида.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзга қуйилганча изоҳлар берилган:

1. Кенг маънода шеърини-муслиқий жанр; ашула.  
2. Лапар, терма.  
Луғатда бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида айтилмаган. Тилшунос Шавкат Раҳматуллаевнинг ёзишича, бу сўзнинг пайдо бўлиш илдизлари қадим даврларга бориб тақалади. “Қадимги туркий тилда “бирлаштир” маъносини англатувчи қўш феълидан (-у)ғ қўшимчаси билан ясалган бу от асли “шеър”, “қасида” маъносини англатган, маъно тараққиёти натижасида “ашула қилиб айтилган шеър”, умуман “ашула” маъноси юзга келган; эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги ғ ундоши қ ундошига алмашган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги у унлиси и унлисига алмашган: қўш- + уғ = қўшуг > қўшук > қўшиқ”.

Қўшиқ сўзининг этимологик тарихини ХI асрга оид Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот турк” асаридан ҳам излаймиз. Буюк мутафаккир ёзади: “қўшуг – шеър, қасида, қўшиқ. Шеърда шундай келган:

**Тўркан қатун қўтича**  
**Тўғр мўндин қўшиқ**  
**Айғил сайн табуғчи,**  
**Отнур жанг табуғ.**

Малика (шоҳ) хотинга мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимнинг янги хизмат билан йўлланади, деб айт”.

Тарихий далиллардан кўриниб турибдики, қўшиқ сўзи бундан минг йиллар аввал ҳам тилимизда маъжуд бўлган.

Қўшиқ, қўшин, қўшоқ, қўшимча каби сўзлар негизда келган қўш сўзи ҳақида ҳам айтиб ўтишни лозим топдик. Бу сўз хусусида устозимиз Шавкат Раҳматуллаев ёзади: “Қўш “бир-бирига бириккан икки (нарсა)”, “жуфт”. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли маъно тараққиёти натижасида “бирлаштир” маъносини англатувчи қўш феълидан ўсиб чиққан; бу сўз дастлаб қўш тарзида талаффуз қилинган бўлиб, қадимги туркий тилдаёқ о: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган”.

Исмаат Закий Аюбғули тузган “Турк тилининг этимологик луғати”да қўш сўзи этимологияси ҳақида қуйилганлар ёзилган: “КОШ, асл туркий сўз, (тартибга келтириш (солиш), тартиб, ёнма-ён жойлаштириш, муайян бир тизимга уйғунлаштириш. Қоидага келтириш (солиш). Йўналтириш. Ҳажман мослаштириш. Мувоzanатни сақлаш, Тизимга солиш. Отни аравага, ҳўкизни омонча боғлаб ишлатиш. Ҳўкиз билан ер ҳайдаш ва ҳоказо). Қўш сўзи барча туркий тилларда маъжуд бўлиб, орқад (arkada), жуфт, йўлдош, севинмоқ, ҳайкириқ, икки қаватли, бахт каби маъноларда қўлланади”.

Шу ўринда Самарқандда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушибди. 2021 йилнинг январь ойида хизмат сафари билан борганимда бир тадбирда ёш хонанда Машраб ғазали билан “Ўртар” қўшиғини айтиб бермоқчи бўлди. Қўшиқ куйланди. Ҳаммамиз олқишладик. Шунда мен ижроқидан “ўртар” сўзнинг маъносини сўрадим. У бироз ноқулайлик билан билмаслигини айтди. Шунда буюк ўзбек ҳофизлари Жўраҳон Султонов ва Расулқори Мамадалиев билан бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердим.

Кунларнинг бирида Жўраҳон Султонов Навоий ғазалига куй басталаётган вақтида ғазалдаги бир сўз маъносини тушунмади ва теварак-атрофдаги ўзи таниган инсонлардан



сўраб ҳам била олмайди. Шунда Тошкентга келиб, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймоновдан ўрганиб кетади. Марғилонга қайтгач, бошқатдан куй басталади.

Худди шунга ўхшаш ҳолат халқ ҳофизи Расулқори Мамадалиев билан ҳам содир бўлган экан. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ артисти, профессор, раҳматли Ўлмас Расулов шундай ёзган эди: “Қўқон урфий ижрочилигининг етук вакилларида бири сифатида Расулқори Мамадалиевнинг хонандаликда қўл урмаган усулини топиш қийин. У мақом ва мақом йўлидаги қўшиқларни бир зайлда маҳорат билан ижро эта олаларди. Ҳофизнинг ишқи ўша даврда энди пайдо бўлган Маъруфқўжа Баходиров басталаган “На қилдим” ашуласига тушади-ю, тинчини йўқотади. Бироқ ижро этишга журъати етмайди. Ҳазалдаги бир сўз маъносини қишлоғидаги, ҳатто қўшни қишлоқлардаги зиёлилардан сўрайди, суриштиради, бироқ жўяли жавоб ололмайди. Ахийри, ўша пайтлари (70-йиллар) Қўқондаги Муқимий музейида ишлаб юрган аруз билимдонини, ғазалнавис шоир Чархий доманингу хузурига бориб, устозга ўз мақсадини айтди.

“На қилдим санго маъ, ёрим, жамолингдин жудо қилдинг, Бошимда гарду ғамни чун чароғи осий қилдинг” байти билан бошланувчи ашулани роса айтгим бор-у, айтолмайман, домла”, дейди ҳофиз. Шоир сабабини сўрага-

нида ғазалдаги “чароғи осий” сўзига тушунмаётганини айтган. “Чароғи осий” тегиримоннинг чироғи дегани, – жавоб беради Чархий. – Унга қўп чанг, ғубор қўнади. оқибатда нури хиралашиб боради. Гард, чангнинг қўплигидан менинг бошим ҳам тегиримон чироғига айланаб қолди, яъни мен сенга нима қилдимки, мени жамолингдин жудо қилдинг, бошимда гарду ғамни чароғи осий қилдинг, демоқда устоз Ҳувайдо. Бунн тўла тушунтиришимга бир кун ҳам камлик қилади, ҳофиз. Ҳазални кўп ўқинг, ашуласини кўп айтинг. Шунда бир-бирдан гўзал таъсиричан маъноларни, иштибоҳларни топасиз, иншооллох”.

Шу мулоқотдан сўнг “На қилдим” ашуласи ҳофиз ижро дастурларининг кўркига айланади. Расулқори Мамадалиев кўзи ожиз бўлса-да, “йиқилмаган” эди ўшанда. Бу ибратли мулоқотни бежизга келтирмадик. Зеро, ғазал куй ипига терилган дур бўлса, куй ғазал риштасини безаб турувчи марварид. Хар икки риштага тизилган дуру марваридлар мўътабар. Ўз талқинида оҳанг ва сўз моҳиятини тўла-тўқис етказа олмайдиган хонанда эса ҳали баркамолликдан йирқоқда, кўп изланиш лозим. Ачинарли томони шундаки, ҳозир унвонларга сазовор ижрочиларда ҳам сўзни бузиб айтиш ҳоллари учраб туради. Сўз, оҳанг уйғунлигини етарлича ҳис қилишга интилишни истамаган хонандаларнинг бефарқлиги оқи-

батада “Муножот”, “Соқийномаи савти қалон”, “Сўлим” каби кўплаб нодир ашулаларнинг ижроси сазлашиб борапти. Боз устига, уларни “замонавийлик” никофи остида қайта ишлаётганлар ҳам учриб кетяпти”.

Ўлмас қори Расулов таъкидлаганидек, шеърин матни қуруқ ёдлаган ҳолда маъносини тўлиқ англамай ёки тушунмай куйлавериш маъқул эмас экан.

Энди “ўртар” сўзнинг маъносига келсак, бу сўзнинг изоҳини Маҳмуд Кошғарий бобомиз қарийб 950 йил аввал ёзган “Девону луғотит турк” асаридан топамиз: “ўртар – куйди, ёнди. Кун ботгандан сўнг булут қизарса, булут ўртанди дейилади. Турклар бунн яхшиликка йўядилар”.

Алишер Навоий ижодида ҳам айни шу маъноларда қўлланганини кузатиш мумкин. Навоий асарлари луғатида келтирилади: “ўрт 1. Куйиш, ёниш, ўртаниш; 2. Ўт, аланга. 3. Тутун; ўрт солмоқ – ўт солмоқ; ўртамоқ, ёндирмоқ;

**Барқи ишқинг солибон жонимға ўрт, Шуъласи ободу вайронларға ўрт (Л.Т.).**

**Ўртанмак:** 1. Куймоқ; 2. Маъ. Азобда эзилмоқ;

**Қўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,**  
**Ҳар кўнгул ҳам ким, сенинг шавқингни пайдо айласа (Ғ.С.).**

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам мазкур сўз қуйилганча изоҳланган: “Ўртамоқ; 1. Ўт олмоқ; ёнмоқ, ёндирмоқ. 2. Кўчма ниҳоят даражада қиздиarmoқ; куйдирмоқ. 3. Кўчма руҳий алам – изтиробга солмоқ; куйдирмоқ, Юракни ўртамоқ. Жонни ўртамоқ”.

“Ўртамоқ” сўзнинг ҳам тарихий, ҳам замонавий луғатлардаги шарҳлари орқали унинг маъно қўламида деярли ўзгариш бўлмаганини кўришимиз мумкин. Фақат бу сўз бугунги тилимизда ўз фаоллигини қисман йўқотган.

Хулоса ўрнида айтимизки, ҳар хонанда ўзи куйлаётган қўшиқ сўзларини чуқур англаган ҳолда ижро этса, унинг таъсири, жозибаси янада ортади, халқимиз ундан миннатдор бўлади.

**Иброҳимжон Йўлдошев,**  
**филология фанлари доктори, профессор**

/// ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ

## ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ “ЛАЗГИ”

Биласизми, агар бармоқлар тилга кирганда нималар ҳақида сўзлаган бўларди?!

Эҳтимол, “инсон танаси”га кирмоққа ҳайкиб турган руҳ ҳақидаги афсонани куйлаб берармики ёки жозибаси “Авесто”да тилга олинган “Лазги”дан гапирармики.

Лазги нафақат одамнинг бармоқлари, балки, бутун танасини тилга кирита оладиган кам сонли рақслардан бири. У халқнинг кечаси ва бугундан сўз очади. Гоҳи ҳасрат, гоҳи қувончнинг тараннум қилади.

Қадимий халқ санъати атиги беш йил аввал ЮНЕСКОнинг номоддий маданий дурдоналари рўйхатида киритилган эди. Рақсларнинг ёш авлод тафаккурида ээгулик ва нафосат, эстетик-маънавий камолот туйғулари шаклантиришдаги муносиб ўрни эътироф қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўхна ва навақирон Хивада халқаро рақс фестивали аънанавий тарзда ўтказила бошланди.

Хусусан, шу йил апрель ойининг 25-30 саналарида Ичан қалъада “Lazgi” II халқаро рақс фестивали бўлиб ўтди.

Иккинчи маротаба ўтказилаётган тадбирга дунёнинг 22 давлатидан жаҳон мусиқа ва рақс санъати усталари ташриф бурюди. Меҳмонларни Урганч халқаро аэропортида тантанали кутиб олишдан бошлаб, қадим шаҳарнинг ҳар қадамида лазгини юзлаб моҳир раққосу раққосалар томонидан ижро этилиши, халқаро танловга ўзгача файз бағишлади.

Халқаро фестивалнинг очилиш маросимида ўзбек санъатининг таниқли усталари иштирок этиди.

“Lazgi” II халқаро фестивалида “Энг яхши



яккаҳон рақс ижроқиси”, “Энг яхши рақс жамоаси” ва “Энг яхши сахналаштирилган рақс” йўналишларида беллашув ташкил қилинди. Хар бир йўналишида голиб чиққан иштирокчилар 2 мингдан 7 минг АҚШ долларигача пул мукофотлари билан тақдирланди.

Энг қувончлиси, Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилоят бўлими олий ўрин – “Гран при”га лойик деб топилди.

Шунингдек, фестивал кунларида таниқли раққоса Гавҳархоним Матёқубова Жаҳон туркий халқлари бирлашмаси – Туркской ташкилотининг олтин медали билан тақдирланди.

Ғолиблар орасида Испания, Озарбайжон, Туркия рақс жамоалари, бразилиялик яккаҳон

раққос Бруна Виенте ҳам борлиги фестивал жозибаси ва нуфузи қитъалару океанлар узра ҳам доврағи ошаётганини кўрсатади.

– Бу йилги фестивал 29 апрель – Бутгундунё рақс кунига тўғри келганида ҳам ўзига хос рамзийлик бор, – дейди лазги рақси афсонавий ижроқиси, Ўзбекистон халқ артисти Г. Матёқубова. – Фестивалда шунга гувоҳ бўлдикки, халқимизнинг рақсга, санъатга бўлган қизиқиши жуда юқори. Мамлакатимиз бошқа жабҳаларда бўлгани сингари, рақс йўналишида ҳам дунё эътирофида сазовор бўлмоқда. Ёшлар ўртасида ҳам қизиқиш кучайган. Ушбу эътиборни мусиқа ва санъат мактабларига, ўқув даргоҳларига ҳукуватимиз томонидан



яратиб берилаётган шарт-шароитлар замирида ҳам кўриш мумкин. Мен лазгини ер юзи буйлаб, авлодлар оша, яна асрлар давомида барҳаёт бўлишига ишонаман.

Фестивал кунлари Хоразм лазги рақси санъатининг асрий аънаналарини сақлаш ва ривожлантириш орқали халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик қўлами ҳамда маданий алоқаларни янада кенгайтиришга мўлжалланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Шунингдек, ушбу мусиқа байрамида рақс санъатига бағишланган кўргазма павильонлари, миллий чолғу асбоблари ва либослари, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио-видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиш қилинди.

Фестивал олти кун давом этди.

**Рўзномӣ ҲАСАН,**  
**“XXI asr” мухбири**

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Тахрир ҳайъати:**

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ  
Сироҷиддин САЙИД  
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ  
Шухрат АСЛОНОВ  
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табак, Буюртма рақами: Г – 545  
Адади: 4900  
Баҳоиси келишилган нарҳда. Топширилди – 19:50

Тахририятга келган кўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газетани номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов  
Дизайнер: Муҳаммадхон Ҳасупов



**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:  
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**